

Spiritual and moral development of a person is a consistent expansion and strengthening of the value-semantic sphere of a person carried out in the process of socialization, the formation of a person's ability to evaluate and consciously build, on the basis of traditional moral norms and moral ideals, an attitude towards oneself, other people, society, the state, the Fatherland, the world in in general.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/020>

**“МАҲБУБ УЛ – ҚУЛУБ” АСАРИДАГИ УМУМИНСОНИЙ
ҚАДРИЯТЛАР БАЁНИ ВА УЛАРНИНГ СИНЕРГЕТИК
ТАЛҚИНИ**

Турсунов Бахтиёр Темурович,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом

Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Комил инсонни тарбиялаш масаласи доимо Шарқ аллома ва мутафаккирларининг диққат марказида турган. Жумладан, Алишер Навоий маънавий меросининг, “Маҳбуб ул-қулуб” [Навоий] асарининг мазмун-моҳиятини ҳам комил инсон масаласи ташкил этади. Чунки “тарбия бизлар учун доимо ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласи” [Avloniy] бўлиб келган.

Мутафаккир жамиятни ривожлантириш ва шахс маънавиятини юксалтиришга оид қимматли насиҳатларини “ҳаётнинг аччиқ, оғир синовларига ҳали ҳануз дуч келмаган инсонларнинг умир йўлларида

қоқилмасликлари, яхши-ёмонни фарқлай олишлари ва кимга эргашишда адашмасликлари учун” [Навоий, 3] ёзганлигини маълум қилади. Асарда турли ижтимоий тоифаларнинг феъл-атвориغا хос фазилат ва нуқсонлар синергетик (қадимги юнон. *synergeia* – биргаликда, бирлашган ҳолда, ҳамкорлик маъносини англатувчи илмий йўналиш) тафаккур асосида очиб берилади. Инсон ўз табиатидаги қусурлардан покланиш ҳамда адолатпарварлик, ҳаллолик, саҳоватпешалик, ростгўйлик, бағрикенглик каби эзгу қадриятларни ўзлаштириш орқали комиллик сари юксалиб бориши ҳаётий мисоллар билан далилланади.

Алишер Навоий эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, ижобий ва салбий сифатларни ўзаро таққослаш орқали ўқувчига тақдим этади. Бунда у “Ёмонни кўрмасдан туриб, яхшининг қадрига етмас киши” иборасига амал қилиб, ёмонликни тартибсизлик келтириб чиқарувчи сифатида ва яхшиликни эса тартиб ўрнатувчи омил сифатида келтиради. Салбий хислатларнинг ёмонлигини бўрттириб кўрсатиш орқали улардан ёвузликдан тийиб турувчи кучли таъсирга эга бўлган тартиб ясовчи сифатида фойдаланади.

Навоий ўзининг комил инсон тўғрисидаги қарашларини ясовул (Ўрта Осиё хонликлари даврида юқори мансабдаги амалдорларга хизмат қилувчи қуролли соқчи, посбон – Б.Т.) гуруҳи тўғрисидаги мушоҳадаларида баён этади. Жумладан, “Ясовул шундай одамки, у мазлумни золимнинг зулмидан қутқаргай. Аммо қилган хизмати учун ортиқча ҳақ талаб қилса, у золимнинг зулмига каттакон шерикдир.

Агар қилган хизматига яраша ҳақ олса, у ота мероси ва она сути каби ҳалолдир. Агар олган ҳақи хизматидан кам бўлса, бу унинг мард ва мурувватлилигига далолатдир. Агар астойдил ишни битирса-ю, ўз ҳақини олмаса, бундай кишини ҳақиқий авлиё, деса бўлади” [Навоий, 23-24], деб инсон ҳаёти ва фаолиятида, шунингдек, маънавий камолотида ҳам меъёр ҳодисаси ўзига хос мезон бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий муносабатларда меъёрнинг бузилиши эзгу фазилатлар моҳиятига бутунлай тескари бўлган мазмун касб этади. Алишер Навоий саховатни улуғлар экан, “исроф қилиш саховат эмас, ўринсиз совуришни ақлли кишилар сахийлик демас. Мақтаниш учун мол бермоқ – ўзини кўз-кўз қилмоқ, халққа кўрсатиб эҳсон қилган, сахий эмас. Битта кулчани иккига бўлиб, ярмини оч одамга бергани сахий деб, ўзи емай ҳаммасини мухтож одамга бергани ахий (дўст-Б.Т.) деб билгин” [Навоий, 107-108] деб, инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари меъёр асосида тартибга солиниши лозимлигини эътироф этади. Ҳаттоки, юксак инсоний фазилатлар ҳисобланган сахийликнинг меъёридан ошиши исрофгарчиликни, камтарликнинг меъёридан ошиши инсоннинг ўз қадр-қимматини йўқотишига сабаб бўлишини таъкидлайди.

Мутафаккир асарда хоинлиги учун сазойи қилинган навкарлар тўғрисида сўзлар экан, ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим жиҳатларини ёритади. Хусусан, “Агар юзи қоралик уят бўлмаганида ва тили қоралик – ёлғончилик, алдамчилик, сотқинлик, мунофиқлик қилмаганларида эди, ҳозир улар роҳатда бўлур эди. Лекин бундай юзи қораларнинг

шармандалиги, беобрўлиги улар учун етарлидир”, [Навоий, 53-54] деб хурматини йўқотишдан қўрқиш ҳисси инсонни турли ёмонликлардан ўзини тийиб туришга хизмат қилишига ишора қилади. Қўрқиш феъли салбий мазмунга эга бўлсада, бу жойда у синергетик парадигмага кўра конструктив роль бажариши айтилмоқда.

Навоийнинг ҳаё ва одоб тўғрисидаги мушоҳадалари ғоятда ибратлидир: “Адаб кичик ёшлиларни улуғлар дуосига сазовор қилади ва у дуо барокатидан умрбод баҳраманд бўлади. Аксинча, мутакаббир, худбин ва ақлсиз жоҳил бўлса, бундай саодатдан маҳрумдир” деб ёзганларидан шу нарса англашиладики, одоб туфайли кичиклар улуғларнинг ҳурмати ва меҳрини қозониб, улуғлик даражасига кўтарилади. Одобсизлик эса кишини масхара бўлишига, ҳурматини йўқотишига сабабчи бўлади. Халқнинг ҳурмати ва меҳрига сазовор бўлиш катта шараф саналади ва бу инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Одоб кичикларни улуғларнинг меҳри ва дуосига мушарраф қилар экан, катталарга ундан улкан саодат етишига ишора қилинади. Дуода қанча ҳикмат борлигини “Олтин олма-дуо ол” деган халқ мақоли ҳам тасдиқлайди.

Иймонга эрур нишон ҳаё бирла адаб,

Ҳурмат била таъзим саодатқа сабаб.

Ҳаёву муаддаб ангаким, бўлса лақаб,

Мақсудига кеч етса ажаб, англа ажаб [Навоий, XX 112].

Навоий - “Илм ўрганмоқ – динни мустаҳкам қилмоқ учун, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас. Саховатсиз бой бамисоли ёмғирсиз

булутга ўхшайди. Илмига амал қилмаган олим эса устига китоб ортилган ҳайвонга ўхшайди” [Навоий, 121], деб амал қилинмаган илмнинг фойдасизлигини айтиб, илм инсоннинг ўзига ва бошқаларга манфаатли бўлиши кераклигини уқтиради. Ҳар қандай мушкулликнинг ечими илм ўрганмоқ ва унга амал қилмоқ эканини, акс ҳолда у уруф сочиб, ҳосил олмаган кабидир, деб таъкидлайди:

Илм ўқуб, қилмагон амал мақбул,

Дона сочиб, кўтармади маҳсул [Навоий, 146-147].

Синергетикага кўра, тизим ташқаридан олинадиган модда, энергия, ахборот таъсирида ўз-ўзини ташкиллаштириб, ривожланади. Навоий талқинида илм-маърифат инсонни камолотга олиб чиқадиган ана шундай куч ролини ўтайди.

Мутафаккирнинг “Билмаганни сўраб ўрганган – олим ва орланиб сўрамаган – ўзига золим”, “Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур”, Заҳмат чекиб илм ўрганган – донишманд”[Навоий, 154], деган ҳикматлари кишини илм воситасида маънавий юксалишга чорлайди:

Илмдин орий улуснинг жоҳили худкомаси,

Ўрганурга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси[Навоий, 154-155].

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс каттадир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон

ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оилада қарор топади.

Оила муҳотида шаклланадиган ота-онага ҳурмат, фарзандлик бурчини англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари унинг маънавий оламини ташкил этади. “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб, хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”, – деб ёзади ХХ асрнинг машҳур маърифатпарварларидан бири Абдрауф Фитрат [Фитрат, 262]. Чунки тарбияли, одобли, билимли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир [Каримов, 52-56].

Хулоса қилиб айтганда, инсон маънавий борлигидаги ночизиқлик ва хилма-хилликни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бу – инсонда ҳаётий идеалларнинг турлича бўлишидир. Эзгу мақсадлар эса инсонни ҳаёт йўлида ўз-ўзини ҳаракатлантиришга, ташкиллаштиришга, комилликка йўналтирувчи у ёки бу йўлни танлашга ундовчи асосий куч ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам комил инсон концепцияси ҳаётий-фалсафий тарзда ифодаланган. Шубҳасиз, мутафаккир томонидан илгари сурилган миллий ва умумбашарий кадриятлар бугунги мураккаб глобаллашув даврида ўз-ўзини

ташқиллаштириш орқали комил инсонни тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса буюк шоир ижодида синергетиканинг “келажакнинг бугунга таъсири” тамойили акс этишига яққол мисол бўлиб, ундаги эзгу ғоялар ёш авлод қалбига таъсир этиб, онгини бойитади, уларни маънан юксалтиради. Бунинг учун мутафаккир таъкидлаганидек, асарларидан баҳра олиш, таъсирланиш, рухий озиқланиш ва шу орқали ўз-ўзини тарбиялаш, у яратган адабий сиймолардан ибрат олиш керак бўлади.

Адабиётлар:

1.Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб (Қалбга маҳбуб ҳикматлар ва ҳикоятлар). Ҳозирги ўзбек тилига табдил. –Тошкент: Sano-standart, 2018. –192 б.

2. AvloniyA. Turkiy guliston yohud axloq // [Электрон ресурс] http://ferlibrary.uz/f/abdulla_avloniy_turkiy_guliston_yohud_axloq.pdf
(Мурожаат санаси: 11.06.2020)

3. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Тошкент: Фан, 1998. – Б. 2-135.

4. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Танланган асарлар. IV жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006. – 336 б.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.